

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

**Меҳнат иқтисодиёти
ва социологияси кафедраси**

**“МУНОСИБ МЕҲНАТ
ТАМОЙИЛЛАРИНИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАШ
ИМКОНИАТЛАРИ”**

**мавзусида илмий-амалий
конференция материаллари тўплами**

2016 йил 4 ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУНОСИБ МЕҲНАТ
ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ҚўЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**ИЛМий-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ
ТўПЛАМИ**

2016 йил 4 ноябрь

ТОШКЕНТ – 2016

**“Муносиб меҳнат тамойилларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари”
илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2016. – 372 б.**

Ушбу мақолалар тўпламида Муносиб меҳнат тамойилларини Ўзбекистонда қўллашнинг муҳим йўналишлари, жумладан, мамлакатимиз миллий иқтисодиётида эришилган ютуқлар ва ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ривожланиш истиқболлари, Ўзбекистонда замонавий меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ҳамда муносиб меҳнат концепциясининг ривожланиш хусусиятлари ва долзарб вазифалари, муносиб меҳнат тамойилларига амал қилиш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат тамойилларини ҳисобга олиш ҳамда яратилаётган янги иш жойлари самарали бўлишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар баёни келтирилган.

Тўпламга олий ўқув юрларида иқтисодиётда барқарорлик, меҳнат иқтисодиёти муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, илмий-текшириш институтларининг илмий ходимлари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, ёш олимлар, магистр ва иқтидорли талабаларнинг мақолалари киритилган.

Мақолалар тўплами олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва амалиётчи иқтисодчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиев

Таҳрир хайъати:

и.ф.д., проф. К.Х. Абдурахмонов, и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,
и.ф.н., доц. М.Э. Пўлатов, Ғ.Э. Зоҳидов, и.ф.н., доц. М.М. Комилов,
и.ф.н., доц. И.А. Аҳмедов, и.ф.н., доц. О.Ҳ. Ҳамидов,
и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов, и.ф.д., доц. Г.Қ. Абдурахмонова,
и.ф.н., доц. Н.Т. Шоюсупова, и.ф.н., доц. И.А. Бакиева.

Такризчилар:

акад. Р.А. Убайдуллаева,
и.ф.д., проф. М.Л. Турсунхўжаев,
и.ф.д., проф. Д.Н. Раҳимова.

Мазкур тўпламга киритилган маъруза тезислари мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилиги ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

III ШУЪБА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмўминов,
ТДИУ*

Мехнат бозорини самарали ривожлантириш асосида иқтисодий фаол аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг таҳлили

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантиришда аҳолини иш билан бандлиги муҳим омил ҳисобланади. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарурий шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, иқтисодий соҳалари ва тармоқлари учун кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ҳамда интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қилинадиган сарфлар аҳолини иш билан таъминланишига боғлиқдир. Шунинг учун, меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида иқтисодий фаол аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини тадқиқ ва таҳлил этиш бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра, иқтисодий соҳаларининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "... биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди."

Тадқиқотлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, меҳнат бозорида ишсизларнинг аксарият қисми муносиб ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан муҳтожлик сезмоқда. Муносиб иш жойига эга бўлиш учун меҳнат бозорида ишчи кучи анча рақобатбардош бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш ёки ташкилотда бошқаришнинг рационал ташкил этилиши ва модернизациялашиши натижасида кадрларнинг тақчиллиги юзага келмоқда. Ўз вақтида иш жойини ўзгартириш, қайта тайёргарлик, бўш иш жойларига қабулнинг тўхтатилиши, кадрларни ишдан бўшатилишга ижтимоий йўналтирилган танлаб олишнинг амал қилиши, персонални қисқартириш ёки қабул қилишни режалаштириш йўли билан ички меҳнат бозорини тартибга солишни зарурат этмоқда. Бундай шароитда меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш асосида мазкур бозорда рақобатбардошлиги заиф бўлган аҳоли қатламлари: аёллар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш зарурати ўсмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимизда иқтисодий ривожлантиришнинг анъанавий ресурсларга асосланган моделининг ягона муқобил варианты бўлиб, техника-технологиялар, иқтисодий натижалар ва бутун жамият ҳаётини доимий юксалтириш мақсадида инсонларнинг билим ва интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган инновацион ривожланиш стратегияси ҳисобланади. Маълумки, юқори ахборот ва интеллектуал сифимга эга инновацион иқтисодий – эгилувчан, динамик, самарали, доимий янгиланиб турадиган, янгича мазмун ва кўринишга эга бўлган, иш билан бандлик шакллари ва уларнинг доимий янгиланиб туриши, инсон капитали сифатининг ошиши, меҳнат соҳасида инсоннинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти каби хусусиятлар билан аниқланадиган иш билан бандликнинг замонавий шакллари мос келади. Меҳнат бозорининг инновацион ривожланиши кўпчилик мамлакатлар учун стратегик ривожланишнинг асосий йўли ҳисобланади. Унинг ривожланиши бозор кучларининг таъсири остида ҳам, мувофиқ равишда давлат сиёсати доирасида ҳам амалга оширилмоқда.

Бу ҳолат меҳнат бозорининг инновацион ривожланиш механизмини шакллантириш ва такомиллаштиришни зарурат этмоқда.

Республикамиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида иш билан бандлик муаммолари ечимига соддалаштирилган ёндашувни бартараф этиш, меҳнат бозоридаги тенденцияларнинг чуқур таҳлилини амалга ошириш, келажакка истиқболлаштириш, ишсизликнинг реал миқёси ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини баҳолаш учун жамиятнинг замонавий талабларига жавоб берадиган аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни тартибга солишнинг янги таркибий элементлари тақозо этади.

Республикамиз меҳнат потенциалининг шаклланиши ва фойдаланилишига демографик жараёнлар сезиларли таъсир кўрсатади. Улар янги ишчи кучи манбаи бўлган аҳолининг такрор ишлаб чиқарилиши тавсифини белгилайди. Бу эса меҳнат бозорининг «хомашё» базаси демакдир. Ушбу жараёнлар аҳоли сонининг кўпайиши ёки камайишига, унинг жинси, ёки таркибига ва миграцион фаоллигининг ўзгаришига таъсир этади.

Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича Марказий Осиёда биринчи, МДҲ мамлакатлари ўртасида эса учинчи (Россия ва Украинадан сўнг) ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз аҳолисининг кўпайиши бир қанча ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида юз бермоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасидаги демографик ҳолат, ўткир ижтимоий-иқтисодий кўриниш акс эттирмоқда.

Таҳлил кўрсатадики, 1991-йилдан 2014-йилга қадар республикамизда туғилганлар сони, ўлганлардан юқори бўлиб келмоқда, лекин 1991-йилга нисбатан табиий ўсиш даражаси (ҳар минг кишига ҳисоблаганда) 2014-йилда 95,8 % га камайган.

Ўзбекистонда аҳолининг салкам ярми (14937,6 минг киши ёки 49,0%) қишлоқ жойларида яшайди. Шунинг учун мамлакат аҳолисининг юқори ўсиш суръати қишлоқ жойлари ҳисобига юз бермоқда. Йиллик табиий ўсишда уларнинг улуши 76,2% дан иборат бўлмоқда. Масалан, 2014-йилда мамлакатда туғилган чақалоқларнинг 54,6% ёки 391,8 минг нафари қишлоқ жойларига тўғри келади. Таҳлил даврида мамлакат қишлоқ аҳолиси ўсиши кўрсаткичи 1991-йилга нисбатан 2014 йилда 102,3% ни тапқил этган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса унинг иқтисодий фаол қисми меҳнат бозорининг шаклланишида асосий демографик манба ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва унинг иқтисодий фаол қисмини ўзгариши¹

(МИНГ КИШИ)

| Кўрсаткичлар | 1991 й. | 2001 й. | 2010 й. | 2014 й. | 2014 -йилда 1991-йилга нисб. %да |
|--------------------------------------|---------|---------|---------|---------|----------------------------------|
| Ўртача доимий аҳоли сони | 20862,5 | 24965,9 | 28466,4 | 30492,8 | 146,2 |
| меҳнат ресурслари | 10213,2 | 12817,4 | 16504,2 | 18048,0 | 176,1 |
| меҳнатга лаёқатли ёшдагилар | 10019,0 | 12671,3 | 16273,2 | 17937,8 | 179,0 |
| улардан: | | | | | |
| аҳолининг иқтисодий фаол қисми | 8583,9 | 9590,8 | 12286,6 | 13505,4 | 157,3 |
| улардан: | | | | | |
| иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар | 8254,6 | 9133,0 | 11628,4 | 12818,4 | 155,3 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Иқтисодиётнинг расмий секторида | 6864,0 | 5068,5 | 7264,9 | 7937,5 | 115,6 |
| Иқтисодиётнинг норасмий секторида | 1390,6 | 4064,5 | 4363,5 | 4880,9 | 3,5 марта |
| Иш билан банд бўлмаган, ишсиз аҳоли | 329,3 | 457,8 | 658,2 | 687,0 | 2,1 марта |
| Расман рўйхатдан ўтган ишсизлар | 45,9 | 42,0 | 40,9 | 3,4 | 7,4 |
| Мустақил тарзда иш қидираётганлар | 283,4 | 415,8 | 617,3 | 683,6 | 2,4 марта |
| Ишсизлик даражаси, %да | 3,8 | 4,8 | 5,4 | 5,1 | - |

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқоридаги 1-жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2014-йилга келиб мамлакатда ўртача доимий аҳолининг ўсиши таҳлил даврида 146,2% ни ташкил қилган. Шунингдек, аҳолининг иқтисодий фаол қисми 2014-йилда меҳнат ресурслари умумий сонининг 74,8% дан ортиғини ташкил этиб, унинг миқдори 1991-йилга нисбатан 157,3% га ўсган. Таҳлил даврида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўзгариши 179,0% ни ташкил этган, жами меҳнат ресурслари эса 176,1% га ўсган. Бозор муносабатлари шароитида юз берган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандлар сони анча (3,5 марта) ошган. Бу эса, иш билан банд бўлмаган ишсиз аҳолининг ҳамда мустақил тарзда иш қидираётганлар миқдорининг мос равишда 2,1 ва 2,4 баробарга кўпайишига олиб келган.

Шундай қилиб, шубҳасизки, республика меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолининг иқтисодий фаол қисмининг ҳолати билан белгиланади. У эса мазкур бозордаги рақобатга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан аниқ демографик сиёсат ишлаб чиқилиб, комплекс ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқила бошланди. Бундай чоратадбирларнинг асосида аввало, инсон ресурсларини сифат жиҳатидан шакллантириш, замонавий тартибга солинадиган меҳнат бозори тизимини яратиш ҳамда унинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мана бир неча йиллардан бери Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиш анъанаси ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Бу эса иқтисодиётда ишчи кучига бўлган талабга нисбатан ишчи кучи таклифини юқори бўлиши сақланиб қолишини кафолатлайди.

Иқтисодиётда ишчи кучи таклифини пасайишига таъсир этувчи омиллардан бири аҳолининг миграцион ҳаракатлари ҳисобланиб, у орқали меҳнат ресурсларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширади. Республикада бундай муаммони ҳал этишнинг аҳоли томонидан қатор чоралари амалга оширилмоқда. Шулардан бири, меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг ташқи давлатларга миграцияси, яъни меҳнат миграциясидир. Республика вилоятлари бўйича Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари томонидан 2014-йилда доимий яшаш жойларидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва аҳоли миграциясини доимий ўрганиб боришини ташкил этиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тўлиқ мониторинг ўтказиб чиқилган.

Ўтказилган мониторинглар натижасида 2014-йилда жами 873,6 минг нафар фуқаро ўз яшаш жойидан ташқарида, хорижий мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2009-йилда 314,9 минг нафар бўлган. Ўсиш таҳлил даврида 2,8 баробарни ташкил этган.

Жамига нисбатан 2014-йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб хорижий мамлакатларда меҳнат фаолияти юритаётганларнинг кўпроқ қисми Самарқанд вилоятида - 18,3%, Андижон вилоятида - 14,5%, Қашқадарё вилоятида - 11,4% ва Наманган вилоятида - 9,5% истиқомат қилаётган фуқароларни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаблари, ушбу вилоятларда аҳоли зичлигининг юқорилиги, янги ишчи кучи таклифига мос келадиган иш ўринлари очилиши ишларининг суст кетаётганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш оқилона дастакларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ва мавжуд йирик корхоналарнинг тўлиқ қувватларда ишламаётганлиги ёки умуман ишламаётганлигидадир.

Кўпчиликка маълумки, бошқа давлатларда расмий равишда чиқиб кетганлар билан бирга норасмий равишда ишлаш учун чиқиб кетган фуқаролар ҳам учрайди. Ўзга юртларда бундай фуқароларнинг яшаш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ўта қийин. Бир томондан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идора ходимларининг таъқибига учраса, иккинчи томондан ўзга юрт иш берувчиларининг ноҳақликларига учраши табиий.

Бундай муаммоларни ҳал этиш учун бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи миграция тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш ва унга кўра фуқароларни чет давлатларига вақтинча яшаши, ишлаши ва қўшимча даромад топиш жараёнларини расмий равишда қонунлаштириш лозим. Бундай ҳолдан давлат ҳам фойда кўради, фуқаро ҳам моддий ва маънавий зарар кўрмайди.

Унга қадар эса, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетганлиги аниқланган фуқароларни уйларига қайтариш, уларни доимий иш жойлари ва даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш, ўз ишини бошламоқчи бўлганларга эса, масалан деҳқон, фермер хўжаликларини ташкил этишлари учун қўшимча ер майдонлари ажратиш, хусусий бизнес, онлавий тадбиркорликни ривожлантиришлари учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш бўйича ҳар томонлама амалий ёрдамлар бериш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.